

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 240 (4935).
26 ОКТЯБРЬ 1982 й.
СЕПАНБА
Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ҳар бир иш жойида меҳнат унумдорлиги, самарадорлиги ва сифатини оширингиз! Зарбдорларча ишлаш—бизнинг ватанпарварлик ва интернационал бурчимиздир!

(КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларида).

ЎН ОЙЛИК ПЛАН ТАЙЁР!

Кеча Тошкент шаҳар саноат корхоналари коллективлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини амалга ошириш учун социалистик мусобақани кенг қулоқ ёйдириб, Октябрь ойида меҳнат ваздасида туриб асосий саноат буюмларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича ўн ойлик планин бажардилар.

варлик ҳаракатида В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш Бирлашмаси, «Среднеазбел» ишлаб чиқариш Бирлашмаси, Тошкент тикучлик ишлаб чиқариш Бирлашмаси, «Ташкел», «Ташкел-маш», электрон техника заводлари коллективлари юксак кўрсаткичларга эришдилар.
Шаҳар меҳнаткашлари 1982 йил ва ўн биринчи беш йиллик ҳаққ ўналлик планиларини муддатидан илгари бажариш, Леонид Ильич Брежнев Тошкентда бўлган пайтда олдига қўйган вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш учун социалистик мусобақани янада кенг қулоқ ёйдиршига қатъий аҳд қилганлар.

• КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—АМАЛДА Босма сифати аъло даражада бўляпти

• Ўрта Осиёда биринчи марта • Дўстлик қонунига биноан • Қурилиш давом этади

ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЯТИНИНГ ҚУРИЛАётган ЯНГИ ГАЗЕТА КОРПУСИДА УРТА ОСИЁДА БИРИНЧИ МАРТА «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ШАҲАР ГАЗЕТАЛАРИНИНГ ТИРАЖЛАРИ ОҢСЕТ УСУЛИДА СИНОВ ТАРИҚАСИДА БОСИЛДИ.

Газетхон газеталарнинг янги сонини олиши билан унинг босма сифати аъло — тиниқ расмлар, сузалар ёрқин ҳарфлар билан тилиқ-ғилғилли дарров пайқади. Илмий-техника тараққиёти, газеталарни полиграфик жиҳатдан тайёрлаш даражасини янада ошириш йўлида янги йирик кадам қўйилди. КПСС XXVI съездида тасдиқланган «СССР-ни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981-1985 йиллар ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида тайёрланаётган махсулот сифатини ахшиллаш биринчи даражали аҳамият касб этади, дейилган эди.

директори Харалд Нестлер Тошкентга келди. Харалд Нестлер муҳбиримиз билан суҳбатда бундай деди:
— Узро Иқтисодий Ердан Кенгашига ёзбо бўлган социалистик мам-лекатларнинг халқро меҳнат тақсимотига биноан иқтисодлаштириш асосида — биз турли полиграфия усуналарини етказиб бермоқдамиз. ГДРдаги Плауэн шаҳри полиграфия корхоналари шахридир. Улардан бири «Пламаг» — «Полиграфэкспорт» бирлашмасидир. «Пламаг»дан ташқари саҳифали босма машиналари чиқарилган «Планета» комбинати, Лейпциг полиграфия корхоналари ва бошқалар бор. «Пламаг» СССР билан энг яқин муносабатлар ўрнатган. Биз етказиб бераётган машиналаримиз билан фахрланамиз. Сизга маълумки, «Искра» газетасининг биринчи сони Лейпцигда босилган. Газеталарни босиб чиқариётган замонавий агрегатлар ёрдамида бүгунги кунда ҳам


биз Ленин голяларини, пролетар интернационализи голяларини пропаганда қилишга ёрдам бераётимиз.
Бутун газета комплекси менда катта таассурот қолдирди. Бу ерда материалларни босмага тайёрлашдан тортиб, босиб чиқаргунга қадар ҳамма ишлар ахши йўлга қўйилган. Қурилиш ниҳоясига етган, менинг тасаввуримча, Бу Совет Иттифоқида энг йирик полиграфия корхонаси бўлади.
«Полиграфэкспорт» корпоративнинг бош директори Харалд Нестлер янги газета комплексида бўлиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети наشريети директори Исом Шомуродович Шогуломов билан учрашди. У меҳмонга янги қурилиш — газета корпуси ҳақида ҳикоя қилиб берди.
— Газета корпусида ҳозирда 50 монтажи ва созолаш, шу жумладан, «Пламаг» фирмасининг мутахассислари ишламоқда. Қурилишнинг бош пудратчиси 11-«Висострой» трести,

нашриятнинг полиграфия комплекси яил санин узининг чегарасини кенгайтириб бермоқда — ишлаб чиқариш ҳақлари реконструкция қилинмоқда.
Газета корпусининг янги аруқ, замонавий технология усуналари ўрнатилган улкан ҳеҳида эндиликда матрицаларни қўйишга, саҳифаларни тўриллашга ўрин қолмади. Ротация ҳеҳида 1 сменада 600 тирестип саҳифа қўйилар эди. Битта саҳифанинг оғирлиги 20 килограмм атрофида эди. Эндиликда тежаб қолмадиған метал гоьтада катта. Печатникнинг меҳнати тўла механизациялаштирилган. Офсет ротация машина бутун тиражни ақло сифат билан босиб чиқарди. У бир соатда 80 минг нуска газета босиб беради. Печатникда ҳам, қозғони тайёрловчида ҳам бошқариш пульти бор. Электроника матбعاчиларга сифатни кузатишда ёрдам берапти.



СУРАТДА: Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети наشريети директори И. Ш. Шогуломов «Полиграфэкспорт» фирмасининг бош директори Харалд Нестлер ва фирманинг конструктори Хайрих Гюнтерни янги газета корпуси билан таништирмоқда. А. Губенко фотоси.

Биз ҳаммамиз пахтакормиз



«ОҚ ОЛТИН»—ВАТАНГА
Республика областларида пахта тайёрлашнинг биринчи тўғрисида шу йил 25 октябрда бўлган
МАЪЛУМОТ
(Планга нисбатан процент ҳисобида)
Биринчи устун — Области; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта.

ҚАССР	0,87	92,33
Бухоро	0,88	90,72
Навоий	1,18	85,52
Сурхондарё	0,60	82,80
Сирдарё	0,43	79,14
Жиззах	0,80	75,03
Наманган	0,22	73,64
Андижон	0,60	72,86
Қашқадарё	1,02	72,63
Самарқанд	1,10	71,07
Фарғона	1,17	68,10

ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР № 24

БУГУНГИ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА «ОҚ ОЛТИН» ТАЙЁРЛАШ СУРЪАТЛАРИНИ ОШИРИШДАН, ҲАВО ОЧИҚ БЎЛГАН ҲАР ДАҚИҚАДАН ИМКОНИ БОРИЧА УНУМЛИ ИБОРАТИНИ ШИДАН ФОНДАЛАНТИРИШ.

тонна ўрнига 458 тонна «оқ олтин» терди. «Андижон областидаги совхозларнинг бўлимлари нҳда биринчи бўлиб Андижон районидида «Ямбол» совхозининг Тўлқинбой Назаров бошлиқ коллектив габога марра-ридан 36 центнердан «оқ олтин» териб олинди.


Сирдарё областининг Оқ олтин райони механизаторлари алоҳида жасорат кўрсатиб ишламоқда. Шу кунгача районда 61 миғ тоннадан ортиқ «оқ олтин» бункерлардан бўшатилди.

«Оқ олтин»ни пешма-пеш қўқилар устига чиқариб бермоқда. Опоқ пахта гарамлари жамолини кўз-кўз қилади: уни кўриб дил қувилади. Табиат мўъжизаси қизиқ. Кечаси билан шаррос ёмғир қўйган эди, эрталаб ҳаво шунақангара қарақлади-ки, осмон ойнадек тиниқлашиб кетди.

Район марказидаги штабда эдик. Шу пайт ҳаширчилар штаби бошлиғи, Фрунзе райони партия комитетининг иккинчи секретари Андрей Моисевич Сергеев келиб қолди. У Мирзачўл районидида дастлабки беш кунликда Низомий номидида Феликс педагогизни институтининг ҳар бир студенти ўртача 61 килограммдан, тўқимачилик ва энгил саноат институти 55,9 килограммдан, театр ва рассомчилик институти 27 килограммдан, юридик техникуми 45 килограммдан, савдо техникуми 40 килограммдан, учёт бухгалтерия техникуми эса 30 килограммдан пахта терганини гапириб берди. Суҳбатимизни ҳовлиқиб кирган ўрта ёшли киши бўлди. Унинг ортидан штаб бошлиғи ўринбосари А. Далабоев кирди.

(Давоми 3-бетда).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ газеталари ВА «ГЛАВТАШПАССАВТОТРАНС» БОШКАРМАСИНИНГ РЕСПУБЛИКА ПАХТА ДАЛАЛАРИДАГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ




Махсус мухбирларимиз Ҳ. Икромов, А. Хатамов, А. Эгамназаровлар Жиззах областидан хабар қиладилар:

16. Ишчиларнинг салмоқли ҳиссаси

▲ ДАШТ УРНИДА БУСТОН ▲ ДУСТЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНЯПТИ ▲ 6 МИЛЛИОН ТОННАЛИК УЛҚАН ХИРМОНГА МУНОСИБ ҲИССА ҚУШАЕТГАНЛАР.

АНКЕТА САВОЛЛАРИ:
1. Бахт деганда нимани тушунасиз?
2. «Меҳнат семестринга муносабатингиз қандай?»
Бутун анкетамизга Тошкент политехника институтининг III курс студенти Муродали РАҲИМОВ жавоб беради:
Муродали Тожикистон ССР пойтахти— Душанба шаҳридан келган. Ҳозиргача терган пахтаси 700 килограммдан ошиб кетди.
1. Бахт деганда мен ер юзидида тинчликни тушунаман. Мақсадим қўлимдан келганча шунга ҳисса қўйиш.
2. Очигини айтганда йигит ва қизлар ўқишда фақат ўзларини бир жиҳатдан, яъни ўқув программасини қанчалик ўлаштири олишлари, шу соҳага қизиқишларини намоян қиладилар, холос. «Меҳнат семестри» эса уларнинг яна бир хусусиятини — меҳнатсеварлигини, ватанпарварлик ҳисларини ҳам намоян қилади. Бундан ташқари кенг далалар кучида бўлиш студентларнинг соғлиғига анча фойдалидир: кўплари меҳнатда чинқишади.



Тошкент ва тошкентликлар

ФОТОРЕПОРТАЖ
«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ САҲЪАТИ» ЖУРНАЛИНИНГ ФОТОМУХБИРИ АЛЕКСАНДР ГЕРАСИМОВ «ТОШКЕНТ ТАРОНАСИ» КОНКУРСИГА ЎЗИ ОЛГАН ФОТОЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТМОҚДА.

Тошкент қиёфаси ранг-баранг ва серкирадр. Бу ажойиб манзараларда Сиз янги қурилишларнинг жозибасини, ўтиб бораётган кишиларнинг табассум қилган чеҳраларини, заводларнинг аниқ қиёфаларини ҳамда кузги боғларнинг чиройини кўрасиз.
Қайси манзара кўп-роқ эътиборни тортади, қайси бири олдида кўпроқ тўхтаб қоласиз? Балки, янги ер ости қасрининг сеvimли шовир асарлари асосида шарқона услубда безатилган диққатни эътиборингизни жалб этар?



Тошкентлик рассомларнинг ҳаётимизнинг турли қирралари ифодаланган картиналарини қизиқ демай бўладими?
Тошкент ва тошкентликлар... Бу суратларда шаҳримизнинг шу кунги жозибали дақиқалари, меҳнаткаш, қадимий тарихга эга бўлган ва ҳамisha навиқрон жонажон Тошкентнинг ҳаётдан олинган дақиқалар ифодаланган.

СССР 60 Шаҳар индустрияси одими

Меҳнат унумдорлиги тошйиринда нисбатан 102,9 процентни ташкил этди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўстириш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,5 процент, меҳнат унумдорлиги эса 1981 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 4,8 процент ўсди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг меҳнат унумдорлигини юксалтириш вазифага ўстириш 89,1 процентни ташкил этди. Товар маҳсулот реализация қилиш бўйича давлат тошйирини шаҳарнинг барча районлари бажарди.

Шаҳар районларида йилнинг тўққиз ойида саноат ишлаб чиқариш планининг бажарилиши ва ўзини суръати қўйидаги маълумотлар билан изоҳланади:

Шаҳар районлари	Реализация буюйча планининг ба. центриларида		Утган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати процентларда		Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича	Меҳнат унумдорлиги бўйича	Шу йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан маҳсулот реализация қилиш бўйича социалистик мабуриятларнинг бажарилиши процентларда
	Шу йилнинг сентябрда	Шу йилнинг январь-сентябрда	реализация бўйича	реализация бўйича			
Шаҳар бўйича:	100,2	101,6	105,2	105,5	104,8	94,8	94,8
Акмал Икромов райони	100,6	102,0	101,1	105,8	103,2	99,8	99,8
Киров райони	100,2	101,1	103,7	102,0	101,2	60,2	60,2
Куйбисhev райони	100,7	101,5	105,3	106,0	103,8	111,0	111,0
Ленин райони	101,2	102,0	107,2	105,5	104,2	134,8	134,8
Октябрь райони	102,1	102,5	105,6	106,5	105,4	115,1	115,1
Собир Раҳимов райони	104,1	102,3	107,5	106,3	105,8	103,2	103,2
Сергели райони	103,1	101,5	109,1	106,0	104,4	90,3	90,3
Фрунзе райони	87,3	99,6	104,4	103,6	106,7	—	—
Чилонзор райони	102,9	102,7	108,9	106,5	104,3	101,2	101,2
Ҳамза райони	—	102,1	103,6	—	105,3	102,7	102,7

1982 йилнинг тўққиз ойи мобайнида Тошкент саноати планга 881 миғ сўмлик маҳсулот реализация қилди. Шу жумладан, Акмал Икромов райони 1.796 миғ сўмлик, Киров райони 1.571 миғ сўмлик, Куйбисhev райони 6.492 миғ сўмлик, Ленин райони 5.458 миғ сўмлик, Октябрь райони 4.351 миғ сўмлик, Собир Раҳимов райони 4.086 миғ сўмлик, Сергели райони 2.235 миғ сўмлик, Чилонзор райони 1.822 миғ сўмлик, Ҳамза райони 14.896 миғ сўмлик, Фрунзе райони 1.326 миғ сўмлик планга қўшимча саноат маҳсулоти реализация қилдилар.

«ТОШКЕНТ ТАРОНАСИ»ГА МАРҲАМАТ!

Ишчилар синфи ҳақида, тошкентликларнинг
Ўзбекистон пойтахти 2000 йиллигига тайёргарлик
жараёнида қўлга киритган меҳнат ютуқлари тўғрисида
ҳикоя қилувчи энг яхши бадий, публицистик ва
музикали асарлар шаҳар конкурси ҳақидаги
НИЗОМ



ИШЧИЛАР СИНФИ ҲАҚИДА, ТОШКЕНТЛИ КЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИ 2000
ЙИЛЛИГИГА ТАЙЕРГАРЛИК ЖАРАЕНИДА ҚЎЛГА КИРИТГАН МЕҲНАТ ЮТУҚЛАРИ ТЎҒ-
РИСИДА ҲИКОЯ ҚИЛУВЧИ ЭНГ ЯХШИ БАДИИЙ, ПУБЛИЦИСТИК ВА МУЗИКАЛИ АСАРЛА-
РИГА ТОШКЕНТ ШАҲАР КОНКУРСИ «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»
ГАЗЕТАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕЗУВЧИЛАР СОЮЗИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИДА 1982
ЙИЛ ОКТЯБРИДАН 1983 ЙИЛ СЕНТЯБРИГАЧА ҲТКАЗИЛАДИ.

I. КОНКУРСНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Газета саҳифаларида меҳнат коллективларининг план
тошириқларини, Тошкентнинг 2000 йиллиги шарафига
қабул қилган социалистик мажбуриятларини ва муқобил
пландарини бажариш бўйича мусобақасини кенг ёритиш,
ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифати проблема-
сини, илмий-техника тараққиёти суръатини тезлаштириш
халқ ҳуқуқини юксак пиروвард натижаларга эришиш
ни ҳуқуқ очиб.

Пойтахт меҳнатнашлари, беш йиллик қаҳрамонлари,
янгилик ташаббускорлари Бутуниттифоқ, республика об-

ласть ва шаҳар социалистик мусобақасининг коллектив
ғолиблари, пойтахтимиз шўҳратига-шўҳрат қўшаётган ки-
шиларнинг меҳнат кўтаринчилиги, юксак сийсий онглиги-
ги намуналарини ёрқин акс эттириш;

Меҳнат коллективларининг пойтахтни коммунистик
меҳнат, юксак маданият, намунали жамоат тартиби ўрна-
тилган шаҳарга айлантириш учун олиб бораётган кўп қир-
рали ишнинг ҳар томонлама ёритиш. Республика пойтахти-
нинг, Ўрта Осиёнинг йирик саноат, илмий ва маданият
маркази, дўстлик ва қардошлик шаҳри бўлган Тошкент-
нинг тарихини ва бугунги кунини ёрқин тасвирлаб бериш-
дан иборат.

4. Фоторепортаж, фотосурат, фотоэтиюд;
5. Музикали асарлар—Тошкент ҳақида қўшиқ (Конкурс
жюриеси адресига нота ва қўшиқ текстини алоҳида қоғоз-
ларда жўнатиш зарур).

Ҳикоя ва очерк ҳажми икки интервалда машинада
ёзилган ўн бетдан ошмаслиги керак. Фотосуратлар эса
13x18 сантиметр ҳажмда, силлиқ қоғозга туширилган бў-
лиши зарур.

- иккита иккинчи мукофот — ҳар бири 300 сўмдан;
учта учинчи мукофот — ҳар бири 200 сўмдан.
3. «ПУБЛИЦИСТИКА» БЎЛИМИ БЎИЧА:
битта биринчи мукофот — 500 сўм;
иккита иккинчи мукофот — ҳар бири 300 сўмдан;
учта учинчи мукофот — ҳар бири 200 сўмдан.
4. «ФОТОРЕПОРТАЖ» БЎЛИМИ БЎИЧА:
битта биринчи мукофот — 500 сўм;
иккита иккинчи мукофот — ҳар бири 300 сўмдан;
учта учинчи мукофот — ҳар бири 200 сўмдан.
5. «МУЗИКА АСАРИ—ҚЎШИҚ» БЎЛИМИ БЎИЧА:
битта биринчи мукофот — 500 сўм;
иккита иккинчи мукофот — ҳар бири 300 сўмдан;
учта учинчи мукофот — ҳар бири 200 сўмдан.

редакциясининг энг истеъодли ёш муаллифлар учун бел-
гиланган «Ерқия асарлар учун» 10 та махсус мукофоти
(150 сўмдан).

Конкурсга материаллар қуйидаги адресга жўнатилин:
Тошкент, ГСП, Ленин кўчаси, 41, «Тошкент оқшомини»
ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакциясига, «Тош-
кент таронаси» конкурсига» деб кўрсатилсин.

III. КОНКУРСНИ ЯКУНЛАШ ТАРТИБИ

КОНКУРС 1983 ЙИЛ СЕНТЯБРИДА, ЎЗБЕ-
КИСТОН ПОЙТАХТИ — ТОШКЕНТ ШАҲРИ-
НИНГ ЮБИЛЕИ ТАНАНАЛАРИ АРАФАСИ-
ДА ЯКУНЛАНАДИ.


КОНКУРС ҒОЛИБЛАРИ УЧУН ҚУЙИДАГИ
МУКОФОТЛАР БЕЛГИЛАНГАН:

1. «ПРОЗА» БЎЛИМИ БЎИЧА:
битта биринчи мукофот — 500 сўм;
иккита иккинчи мукофот — ҳар бири 300 сўмдан;
учта учинчи мукофот — ҳар бири 200 сўмдан.
2. «ПОЭЗИЯ» БЎЛИМИ БЎИЧА:
битта биринчи мукофот — 500 сўм;

Бундан ташқари, 12 та рағбатлантирувчи мукофот
таъсис этилган—«Измайлово» туристик комплексига бе-
пул йўлланмалар (2 та мукофот); «Звенигород» дам олиш
пансионатига (4 та мукофот); «Плес», «Луново», «Спут-
ник» туристик базаларига (6 та мукофот), шунингдек,
«Тошкент оқшомини» ва «Вечерний Ташкент» газеталари

ҚАДРЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

Сизни конкурсимизда фаол иштирок этишга таклиф этамиз. Сизнинг ҳикоя
ва очеркларингиз, шеърларингиз, репортажларингиз, қўшиқларингиз шахримиз—
қадимий ва ҳамisha навқирон Тошкент ҳақида, меҳнаткаш шаҳар, дўстлик ва
қардошлик шаҳри ҳақида ёрқин, образли ва ҳаққоний ҳикоя қилсин.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ. Аэропортнинг шу кунги кўриниши.

А. Лабко фотоси.

Редактор
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

ТРИКОТАЖ: ИСТИҚБОЛЛИ МОДЕЛЛАР

Трикотаж буюмлар ҳақли равишда оммабоп деб тан олин-
ган. Улар гижимланмайди, яхши ювилади, осон тозаланади ва
янгиланади.

Замонавий трикотаж буюмлар безакларнинг оригиналлиги
ва фасонларининг яхши ўйланганлиги билан фарқ қилади.

Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлаш-
маси харидорларга 1983 йилда айнан шундай буюмларни тақ-
лиф қилади.

Аёллар ўз гардеробларини қоматга ярим ёпишиб турадиган
асл жун кўйлақлар билан бойитиб олишлари мумкин. Кўйлақ-
нинг олди кокеткали, ёқаси «стойка», застееккаси планкада.
Кўйлақ энгларини — доқли, калта, манжетли. Кокетка, планка,
ёқа ва манжетлар сидирга матодан тикилган.

Эркаклар ўзларига «Молния» застееккали жун жакет сотиб
олишлари мумкин. Жакетнинг ёқаси ва олдида контраст безак
ўрилатилган. Жакетларининг пастки қисми ва энг учлари «ре-
зинка» типиди тўқилган.

БУ БУЮМЛАРНИНГ ҲАР БИРИ — БАЙРАМГА АЖО-
НИБ СОВҒАДИР.



Тошкент «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бир-
лашмаси.

ҚАЙ БИРИНИ ТАНЛАШ КЕРАК?

«ТОШКЕНТ» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси замона-
вий квартиралар учун — чиройли, қулай, турли хил мебел-
ларни ишлаб чиқармоқда.

Бугун биз харидорлар диққатига бу йил ишлаб чиқариш
учун мўлжалланган стулларни тақлиф қиламиз. Мебель ишлаб
чиқариш бирлашмасининг бу янгилиги, формасининг замона-
вийлиги, қоплама материалнинг хилма-хиллиги билан фарқ
қилади. Стуллар пишиқ дарахт турларини тайёрланган бўлиб,
ҳимояли-манзарали нитролак билан қопланган бўлиб тагидан
эластик поролон қўйилган.

Қулай, чиройли ва пишиқ стуллар, меҳмонхонада ва иш ка-
бинетларининг интерьерига ярашди тушади.

Баҳоси — 20 сўм 90 тийин.



«ТОШКЕНТ» МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШ-
МАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ
БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

МАИШИЙ ХИЗМАТ

Шаҳар ўсмоқда, шу билан бирга манший хизмат тур-
лари ҳам кўпаймоқда. Ҳозирги кунда манший хизмат кўрс-
атмоқдалар. Лекин, зарур манший ташкилотларнинг
адресларини, телефон номерларини билмаганлиги учун
кишилар қўйинча бу хизматлардан фойдалана олмаётти-
лар. Бунинг устига шаҳарда қандай турдаги хизматлар
бажарилишини ҳар ким ҳам билавермайди.

Шаҳар аҳолисига бу борада энгиллик туғдириш мақ-
садида Тошкент шаҳар аҳолига Манший хизмат кўрсатиш
бошқармаси томонидан ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ МАИ-
ШИЙ ХИЗМАТ ТУРЛАРИ СПРАВОЧНИГИ тузилди ва
нашр қилинди. Ҳозир бу справочник «Союзпечать»нинг
барча кносаларида сотилмоқда. Баҳоси — 2 сўм 20
тийин.

Агар Сиз бу бадий безатилган, зарур фойдали
брошюрани сотиб олманган бўлсангиз, шонингиз, Справоч-
ник ҳамisha сизнинг стол китобингиз бўлиб қолади. Қўп-
гина онлавий ташвишларингизни энгиллаштиришга ёрдам
беради.

ШАҲАР «СОЮЗПЕЧАТЬ» АГЕНТЛИГИ

театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ
АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА —
26/Х да Ҳи унчичи рамс, 27/Х да
Ганг дарёсининг қиз, 28/Х да
Аризага кўра,
МУКМИН НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-
ЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27/Х
да Тошкентнинг мазани малина-
си, 28/Х да Ишонмасанг ўламан.

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА —
Москва «КОМЕДИЯ цирки» ар-
тистларининг гастроллари (19.30
да).

кино

26 ОКТЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ПРОСЛАВ МУДРИ» — Исра
(17., 20.00, телефон 39.11-76),
ВЛКСМ 30 йиллиги номли (18,
20.00, телефон 33-44-52), Ҳамза
номли (16, 20.00, телефон 91.10-51),
«АЛВИДО» ДЕЯ ОЛМАЙМАН —
Нукус (тоқ соатларда, телефон
48-70-69),
«ПОЕЗД ТУХТАДИ» — И. Ерматов
номли (буфт) ва тоқ соатларда,
телефон 24-22-66).

27 ОКТЯБРДА

ХУЖНАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ЕНГИН ЧИКИШГА КИМ
АБДОР?» — С. Раҳимов номли,
«ИМТИХОН» — Гунча,
«БУНИ ҲАММА БИЛДИН ВА
УДАЛАШН КЕРАК» Тошкент
Советининг 50 йиллиги номли,
«ИЗЛАНШ ВА ТАШВИШЛАР» —
С. Раҳимов номли,
«ЕАМДА ИШЛАР ҚАЛАЙ?» —
Қозоғистон,
«ОЧКИ КЭНГИЛ ВИЛАН» —
Ўзбекистон ССР 25 йиллиги ном-
ли.

«АЛАҒА» — Чайка,
«БИРДАМЛИК ҚУШНИ» —
Нуна

«ХАВФИ САҲАТ» — Пилонер,
«ШПЛИК» — Друмба,
«ВОЛГА» — Фестиваль,
«ИЛДИЗЛАР» — Восток,
«КОМСОМОЛ» — Тошкент Совет-
тининг 50 йиллиги номли.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ПРОСЛАВ МУДРИ» — Исра
(17., 20.00, телефон 39.11-76),
ВЛКСМ 30 йиллиги номли (12, 18,
20.00, телефон 33-44-52), Ҳамза
номли (10.30, 13.30, 20.00, телефон
91.10-51),
«АЛВИДО» ДЕЯ ОЛМАЙМАН —
Нукус (тоқ соатларда, телефон
48-70-69),
«ПОЕЗД ТУХТАДИ» — И. Ерматов
номли (буфт) ва тоқ соатларда,
телефон 24-22-66).

«Ташлодоовошч» бир-
лашмасининг 2-улгурян-ча-
нака савдо мева-сабзавот
комбинатига қарашли 6-ма-
газинининг Янқотган
ШТАМПИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЗАНГОРИ ЭКРАНА

26 ОКТЯБРЬ — СЕШАНБА
Марказий телевидениенин
«Восток» программаси

18.05 Васнетбол бўйича СССР
чемпионати. Эриксалр. МАСК —
«Жалгирис». Вильюсдан олиб
кўрсатилади. 18.45 «Веш Йилди.
Ишлар ва одамлар». «Подмос-
коведа ҳовли тўғриси». Кўрсат-
тувда КПСС Москва область, ко-
митетининг биринчи секретари
В. И. Конотоп иштирок этади.
19.15 «Дунё воқеалари». 19.30
«Австрия тупроғида». Киноқўрсат-
тув. 20.10 «Никола Паганини». Кўп
серияли телевидениенин бадий
фильм премьераси. «Ленфильм»
ва Болгария телевидениенин
маҳсулот. 1-серия. 21.30 «Время».
22.05 «Солдат мемуарлари». 2.
фильм. «Улар орденларини тақ-
киб юришлари мумкин эмас эди».
Телевидени хўжнатли фильм. 23.05
«Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенин
ининчи программаси
18.30 Янгиликлар. 18.45 Рас-
смонлар ҳақида ҳикоялар. Року-
злд Кент. 19.15 «Совет Иттифоқи-
га хизмат қиламан!» 20.30 «Ту-
нингиз хайрли бўлин, кичини-
тойлар». 20.45 «Халқаро панора-
ма». 21.30 «Время». 22.05 «Кўп-
ринлар». Бадий фильм.
Ўзбекистон телевидениенин
программалари

1
18.00 Кўрсатувар програм-
маси. 18.05 «Септильов маникулда
бувисининга боради». Мульти-
фильм. 18.10 «Пионер дружина-
лари Бутуниттифоқ маршида».
18.40 «Ешлик» студияси кўрсата-
ди. Ўзбекистон Ленин комсомоли
мукофотиға номзодлар. 19.10
СССР 60 йиллигига — 60 зарб-
дор ҳафта». «Средаэлектронпа-
рат» ишлаб чиқариш бирлашма-
сидан репортаж. 19.30 «Ахборот»
(рус.). 19.50 «Нуртат». Телефильм.
20.00 «Езувчилар лахтанорлар ҳа-
қида». 20.30 «Ахборот». 20.55 Ҳа-
бекистон телевидениени ва радио-
ни ёш солистларининг концерти.
21.30 Москва. «Время». 22.05
«Чорвачилик — зарбдор фронт»
22.25 «Салом, бу мен». Бадий
фильм. 1-серия. 23.30 Янгиликлар.

2
18.30 Кўрсатувар програм-
маси. 18.10 Рус адабиёти. А. С.
Пушкин асарлари музикада (рус.).
18.40 «Саричелек». Телефильм.
18.50 Сиртдан ўқийтган студент-
лар учун. Физика. 19.50 «Воробон
ва унинг соҳиб». Телефильм.
20.00 Янгиликлар. 20.20 Реклама.
20.40 «Визинг бош муҳбиримиз-
дан» (рус.). 21.00 «Онла ҳақида
мулоҳазалар». Телефильм. 21.30
МТ II.